# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИНИНГ ФРАНЦУЗ ТИЛИГА ЎГИРИЛГАН АЙРИМ НАМУНАЛАРИ ҲАҚИДА

**А.Мамадалиев, Ё. Насирдинова**

*Мақолада Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг туркшунос олим, профессор Реми Дор томонидан амалга оширилган француз тилига таржималари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мақолада француз олимининг бу икки буюгимиз ҳақидаги фикрлари келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *муаммо, просодия, эллизия, ассонанс, аруз.*

*В статье рассмотрены переводы произведений Алишера Навоий и Захириддина Мухаммеда Бабура на французкий язык, осуществленные ученым-тюркологом профессором Реми Дором. А также приводятся его суждения об этих выдающихся мастерах слова.*

***Ключевые слова:*** *логогриф, просодия, элизия, ассонанс, аруз.*

*The article discusses the results of the French translations of the works of our great ancestors Alisher Navoiy and Zahiriddin Muhammad Bobur. It also contains some precious ideas of the translator prof. Remie Doore about the activities of our great ancestors.*

***Key words:*** *logarithm, procody, allusion, assonance.*

Жаҳон халкларининг маданий, маърифий ҳамда маънавий ривожланишида таржима санъатининг ҳиссаси беқиёс. Мустақиллик йилларида миллий маънавий қадриятларимиз тикланиб, юртимизнинг жаҳон тараққиётидаги иштироки янада фаоллашди. Жаҳон ҳамжамиятини бой маданий меросимиз, хусусан, миллий адабиётимиз намуналари билан таништириш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Муҳтарам президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “эндиликда адабиётимизнинг энг йирик асарларини бевосита она тилидан Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тилига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур”[1.139].

Ушбу чақириққа жавобан юртимизда етишиб чиққан, унинг фан ва адабиётини юксакларга кўтарган буюк шоирлар, мутафаккир олимлар мерослари чет тилларга таржима қилиниб, улар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Франция элчихонаси томонидан Тошкентда ташкил қилинган “Темурийлар шеърияти кечасига” (Soirée de poésie témouride) бағишлаб Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Атоий, Саккокий, Мавлоно Лутфий, Бобур ғазаллари ҳамда ҳозирги замон шеърияти намуналари француз тилига таржима қилиниб, ўзбек шеърияти антологияси шаклига келтирилди [2]. Навоийнинг “ҳикматли сўзлар”и (афоризмлар) эса илгарироқ Сирия Балҳ томонидан таржима қилинган ва Алишер Навоий номли адабиёт музейи томонидан босиб чиқарилган.

Франциянинг Ўрта Осиёни ўрганиш институти (IFEAC) собиқ директори, Париждаги Осиё институти (INALCO) профессори Реми Дор томонидан Навоий муаммолари француз тилига ўгирилди [3]. «L’enigme du nom propre» (Исмлар топишмоқлари) деб номланган мазкур таржима тўплами 151 бетдан иборат бўлиб, 99 та ўзбек исмларига ёзилган муаммолар таржимасини ўз ичига олади. Тўплам муқаддимасида муаммо санъатининг дунё адабиётида тутган ўрни, ривожланиш тарихи, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг муаммо жанрига оид асарлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Реми Дорнинг фикрига кўра, муаммо санъати дастлаб римликларда пайдо бўлган, кейинчалик дунё адабиётида турли ном ва турли шаклларда тараққий этган. Францияда ушбу ҳарфий ўйинлар XV асргача қўлланиб, муаллиф исми ҳарфлари шеър мисраларига яширилган ва анаграмма деб номланган. Шу даврда яшаган Француа Вийоннинг деярли барча асарлари анаграмма жанрида ёзилган. XVII-XVIII асрга келиб мазкур санъат Францияда бироз эскирган ва унутилган бўлса-да, Россия ва Италияда анаграмма, акростих ва бошқа ҳарфий ўйинлар шаклида ривожланди.

Ўзбек классик адабиётида муаммо жанри XV-XVII асрларда айниқса кенг қўлланди. Бу соҳанинг ривожланишида Алишер Навоийнинг ҳиссаси катта бўлди. Чунки Реми Дор ёзганидай, Навоий: “... ҳам-

***А. Мамадалиев*** *– АДУ француз тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди;*
***Ё.Насирдинова*** *– Андижон шаҳар 30-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.*

ма санъатларга: шеърият, мусиқа, тасвирий санъат ва архитектурага қизиқар эди. Мир Алишер шеърият султони, услуб (style) султони, асар султони, сиёсий фаолият султонидир. Бугунги ночорлик ва ўртамиёналик даврида биз бу буюк оммавий, хусусий ютуқлар намояндаси олдида орзуманд бўлибгина қоламиз"[3.9]. Реми Дор Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида шундай дейди: "Ҳарбийлар, фуқароларнинг сиёсий юкини ўз зиммасига олган сиёсий арбоб Навоий авваламбор буюк инсонпарвардир. Унинг ғоялари Ўрта Осиёга мангу сингиб кетган".

Таржимон муаммо жанри дунё адабиётида икки тоифага бўлиниши ва уларнинг алоҳида ўрганилишини таъкидлайди[3..8]. Биринчи тоифага топишмоқлар мансуб бўлиб, уларда маълум бир сўз яширилади; иккинчи тоифадаги муаммоларда ҳарфлар яширинган ва улар ўзбек адабиётидаги муаммо санъатига мос келади. Француз олими М.Бернассони яширинган сўзни топишга қаратилган етти жанр борлигини билдиради [4.10]. Улар маълум бир сўзнинг бошқа сўз билан алоқаси, охангдошлиги, келиб чиқиши, ҳарфлар ва товушлар сони билан боғлиқ. Бу сўз ўйини француз тилида *«griphos»* - ҳарф сўзидан олинган логогриф (le logogriphe) атамаси билан юритилади. Логогриф қадимдан маълум бўлган адабий ўйин бўлиб, бир сўзга ҳарфлар қўшиш ёки айириш орқали янги сўз ясалади. Таржимон лотин тилида ёзилган бир логогрифни келтиради: «mitto tibi navem prora puppique carentem», «мен сенга тумшуқсиз ва қуйруқсиз кема юборяпман». Лотин тилида кема сўзи «navem» деб аталади. Унинг тумшуги *n* ҳарфини ва қуйруғи *m* ҳарфини олиб ташласак, ***ave - салом*** сўзи ҳосил бўлади. Кўряпмизки, бу ўринда яшириш усули ўзбек адабиётидаги муаммога жуда ўхшаш.

Муаммоларни француз тилига ўгиришда Л.Зоҳидовнинг «Алишер Навоий ижодида муаммо жанри» қўлланмаси Реми Дор учун асосий манба бўлди. Муамммолар эса Навоийнинг «Девони Фоний», «Рисола-и Муфрадот», «Наводир уш-шабоб» асарларидан олинган. Бу уч асарда келтирилган муаммолар сони 248дан ортиқ бўлиб, 121 таси «Рисола-и Муфрадот» да қайд қилинган.

Француз таржимони Навоийнинг форсий муаммоларини Л.Зоҳидов ўзбек тилига ўгирган таржималаридан ҳам фойдалангани, бироқ кўпроқ аслиятга таянганини айтади. Унинг эътирофича, "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати", «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат», Э.Фозиловнинг «Староузбекский язык", "Хорезмские памятники XIV века», француз тилшуноси Жилбер Лазарнинг «Dictionnaire persan-francais, Teheran, 1996 (форсча-французча луғат) луғати муаммоларни француз тилига ўгиришда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилди. XV аср ўзбек шеъриятига хос характерли хусусиятларни яхши тушуниш учун муаллиф Э.Р. Рустамовнинг «Узбекская поэзия в первой половине XV века» номли асарни тавсия этади.

Таржимон бошқа халқлар адабиётларидан ҳам муаммо ҳақида маълумот тўплайди. Жумладан, француз олими Гарсин де Тассининг "Шарқ мусулмонларининг тил просодияси ва риторикаси" (Rhetorique et prosodie des langues de l'Orient musulman, Paris, 1873) асарининг 3-боби логогриф ва унинг бошқа турларига бағишланганини айтиб ўтади. XVIII асрда ижод қилган форс шоири Мир Шамсуддин Фақир Деҳлавийнинг «Ҳадойиқ ул-балоғат» асарини француз тилига таржима қилишда Реми Дор муаммо санъатига қуйидагича таъриф беради:»Ҳиндистон мусулмонлари шеъриятида, тўғрисини айтганда, муаммо санъати кам ривожланган. Мазкур жанрнинг мураккаблиги туфайли, уни француз тилида беролмадим. Натижада берилган мисоллар аниқлигини баҳолаш қийин кечди. Шамсуддин Фақир Деҳлавий берган маълумотлардаги камчиликларни Навоий ғоялари тўлдириб, менга муаммоларни ўгиришда сўқмоқни ёритувчи чироқ сингари хизмат қилди" [3.12]

Реми Дор мазкур муаммоларнинг атоқли номларга бағишланган қисмини таржима қилди. Ўз таржималарида у муаммо қоидалари асосида яратилган жумбоқ ечимини топиш қоидалари, жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ватандошларига биринчилардан бўлиб етказиб берди. Ўзбек адабиётининг бой меросидан уларни ҳам баҳраманд этди.

Реми Дор муаммо жанрини мураккаб, қоронғу, ноаниқ бир оламга ўхшатади. Унингча, бу жанрда шоир ўзини эркин ҳис этади, ўз ғояларини шунчалар қисқа, лўнда ифодалайдики, бир қарашда ҳеч нарсани англаб бўлмайди. Муаммо муаллифи кўпроқ ечимни кўрсатади-ю, ечиш усуллари сир тутилади. Муаммо ўқувчисига ҳам, таржимонга ҳам пухта билим ва кенг дунёқараш қўл келади, ақлга таянибгина манзилга етилади. Шунинг учун Навоий даврида муаммо шоирлар бадиий маҳоратини баҳолаш мезони, шеърхонлар учун эса ақлни чарҳлаш, фикрни такомиллаштириш воситаси бўлган.

Ўзбек муаммоларининг ўзига хос тароватини француз китобхонларига етказиш учун мутаржим қуйидаги таржима ишларини амалга оширди:

Ўзбек шеърларини француз силлабикасида аслият вазнига бир бўғин қўшиш орқали ўгириш мумкин. Бироқ баъзи ҳолларда бўғинлар сони шеър мисралари учун умумий бўлиб қолади. Бу эса ўзбек шеъриятидаги бўғинлар сони тенг байтлар учун доим ҳам мос келавермайди. Таржимада урғу

аниқлик ва байтнинг чиройли ўқилиши учун доим мисра охирига туширилди. Худди шу мақсадга француз тилининг ҳозирги замон луғати мувофиқ келди. Ушбу луғатдан топилмаган баъзи сўзларга ўкувчи ўрта аср ва уйғониш даври луғатларини варақлаб юрмаслиги учун изоҳ бериб ўтилди.

Байтларда қофияни сақлашга ҳаракат қилинди, баъзи ҳолларда эса фақат ассонанс – ҳамоҳанглик билан кифояланилди. Ўзбек тилидаги қисқа товушларни ифодалаш учун эллизиядан (унли билан тугаган сўз унли билан бошланган сўз олдидан келганда ёки унлилар кетма-кет келганда бир унлининг тушиб қолиши) фойдаланилди, бу вазнни сақлаб қолишга ёрдам берди.

Тўплам тўқсон тўққиз муаммога жавоб тарзида ҳозирги замон француз алифбоси тартибида тузилган. Француз тилидаги таржимадан сўнг муаммонинг ўзбек тилидаги асли, сўнг қулайлик учун байтнинг форсий таржимаси ҳам келтирилди.

Муаммо ечимига схематик тарзда калит берилди: биринчи қаторда муаммо ечимига йўналтирувчи сўзлар, иккинчи қаторда муаммо тури, учинчи қаторда эса уни ечиш усули кўрсатилди.

Изоҳлар бўлимида муаммоларда яширилган исмлар маъноси, этимологияси ҳақида маълумот берилади. Бунда таржимон Э.А.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси», Ф.Сумернинг *“Turk devletlari tarihinde shahis adlari”* («Турк давлатлари тарихида шахс отлари), Reik Haytнинг *«Le Livre des prenoms du Maghreb et du Moyen-Orient»* асарларига таянган. Атоқли номлар маъносининг келиб чиқиш тарихига қизиққан ўқувчиларга эса А.Фин, Ф.Р.Уэлетларнинг “*Le Nom dans la societes occidentales contemporaines”* қўлланмаси тавсия этилди.

Навоий бир исмни бир неча муаммода яширган, Реми Дор мисол сифатида уларнинг баъзиларинигина таржима қилади. Шу билан бирга, у ушбу тўплам илмий ёки таълимий аҳамиятга эга эмаслиги, унинг ягона мақсади истеъдоди боис донғи даврлар ва маконлар оша дунёга таралган шоир дуру жавоҳирлари билан француз китобхонини таништириш холос эканини таъкидлайди.

Реми Дор муаммо жанри ҳақида умумий маълумот бериш билан бирга, бу жанрга Алишер Навоий алоҳида эътибор билан қарагани, умрининг охирги дамларида ҳам муаммо ёзгани ва унинг назарияси билан шуғулланганини таъкидлайди. Сўнг ўқувчини Навоийнинг бу жанр назариясига оид «Муфрадот» асаридаги талқинлар билан таништиради. Жумладан, Реми Дор берган маълумотга кўра, муаммо икки мисра шеърдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири қуйидаги аломатлар билан характерланади: биринчи байт муаммони ифодалашга хизмат қилувчи «асослар»дан (fondamentaux) ташкил топади, иккинчиси эса муаммо ечимини қийинлаштиришга, мукаммаллаштиришга қаратилган тузоқлардан иборат.

Ўзбек анъанасида муаммо уч амал ёрдамида тузилади:

1. Le mode «facilitant» аъмоли тасҳили (осонлаштириш амаллари)

2. Le mode « particularisant» аъмоли таҳсили (хосил қилиш амаллари)

3. Le mode perfectionnant» аъмоли такмили (мукаммаллаштириш амаллари).

Бу қисмлар ўз навбатида турли қоидаларга, қоидалар эса турли услубларга бўлинади. Муаммо ечиш қоидалари жами 15 та, услуби эса 48 хилдан иборат дейилади. Таржимон бу қоидаларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтади.

Алишер Навоийнинг ғазал ва муаммоларидан ташқари ҳикматли сўзлари (афоризм) ҳам француз тилига кенг таржима қилинган. Таржималарнинг айримларида фақат мазмун муқобиллигига эътибор берилган. Шунинг учун қўп ҳолда шакл муқобиллиги бой берилган. Масалан:

**Аслият:**
*Билмаганни сўраб ўрганган олим,*
*Орланиб сўрамаган ўзига золим.*

**Таржима:**
*En découvrant sur quelque point ton ignorance,*
*Va consulter un sage, etends tes connaissances.*
*Sinon, tu deviendras pour toi-même un tyran,*
*Et mourras dans la peau d’un sot, d’un ignorant.*

Баъзи ҳолларда эса таржимада аслият шакли сақланган:

**Аслият:**
*Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,*
*Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт*

**Таржима:**
*La parole met fin aux pires désaccord.*
*Elle peut arracher un cadavre à la mort.*

Булардан ташқари, Навоий ғазалларининг ҳам французча таржималари мавжуд. Уларни Франция элчихонаси маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси, туркшунос олим Баке Граммоннинг шогирди, ҳозирда Париж университетининг профессори Пьер Шувен жаноблари таржима қилган. Унинг таржимасида ғазалнинг нафақат мазмуни, сюжети, шоир кечинмалари, балки унинг радифи ҳам сақланган. Бундан кўринадики, таржимон форс, араб тилларини мукаммал билиш билан бирга, аруз вазнининг нозик томонларини яхши тушунган.

Пьер Шувен Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига ҳам кўп мурожаат қилади. Франция эл-

чихонасининг “Cahiers de poetique comparée” ойномаси 49-махсус сони “Forme/Mesure. Cercle Polivanov: Pour Jacques Roubaud” деб номланиб, назмий асарлар тузилиши ва шеърий вазнлар мавзусига бағишланган. Ундан Реми Дорнинг “Le metre contraignant d’un Maitre exigeant” мақоласи ҳам жой олган. [5]

Мақола муаллифи аввало Европа халқи Султон Бобурни кўпроқ буюк саркарда сифатида тан олиши, унинг Ўрта Осиё сарҳадларидан бошлаб барча қаршиликларни мардонавор енгиб, Хиндистон марказигача етиб келгани ва улкан давлат барпо этгани, у асос солган Бобурийлар сулоласи асрлар давомида Ҳиндистон империясида ҳукмронлик қилганини қайд этади[5.175]. Мутаржим Бобурнинг шоирлик иқтидорига юксак баҳо беради, унинг 18-19 ёшидаёқ:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,*
*Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

байти билан бошланувчи ғазал ёзгани ҳаёт йўли бағоят мураккаб бўлганини кўрсатишини айтади.

Мазкур байт французь тилига қуйидагича ўгирилганини қайд этади:

*Je n’ai trouvé d’ami fidèle que mon âme*
*Et n’ai pu qu’a mon Coeur confier mes regrets*
[5.175].

Реми Дор туркий халқлар адабиёти, шеъриятини ўрганиш давомида кўп асарлар билан танишади. Ҳар бир асарнинг асл нусхасини таҳлил қилиб, сўнг унинг устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ҳам чуқур ўрганади. Уларнинг ҳар бирига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Таржимон туркий шеърий вазнлар билан танишар экан, Бобурнинг илми арузга оид «Мухтасар» асарининг бир қисмини французь тилига таржима қилиб, асар ва унинг муаллифи ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Бобур аниқ ва ўткир қалами билан насрда муваффакият қозонди. Турк ёзувчилари ичида у дастлабки автобиографик асар муаллифидир. Унинг «Бобурнома» асари 1494-1529 йилларда муаллиф ҳаётида бўлиб ўтган катта-кичик воқеаларни қамраб олган. Таъкидлаш керакки, ўткир зеҳн ва ўзига тортувчи услубда ёзилган асар илмий изланувчилар учун қулай ва муҳим қўлланма бўлиб ҳизмат қилади. «Бобурнома»да 1526-1527 йиллар муҳим воқеа-ҳодисалари ичида бироз аввалроқ, 1523-1525 йилларда яратилган арузга оид қўлланма, «Мухтасар (“Рисолаи аруз”) асарини ёзгани қайд этиб ўтилган. Тўрт аср давомида ушбу асар ҳақида бундан бошқа маълумот топилмади, йўқолган қўлёзмани топиш борасида тадқиқотчилар анча-мунча бош қотирдилар. 1922 йилдагина икки турк олими, аввалига Фуад Купрулузода, кейинчалик Риза Нур Бобурга тегишли қўлёзманинг топилгани ҳақида маълумот берадилар [5.175]. Сарлавҳасиз қўлёзма жуда яхши ҳолатда сақланган бўлиб, ошланган, зарланган тери билан жилдланган эди. 172 саҳифа асар (формат 22,5х13 Текст 15х9) *таълик* ёзувида битилган бўлиб, ўқилиши жуда қулай эди. Тилла суви билан чизилган миниатюра дастлабки саҳифани безаб турибди. Саҳифа четларидаги рамкалар ҳар бир матнни қолипга солиб турибди. Муҳим сўзлар қизил, кўк ва жигарранг сиёҳда ажратиб ёзилган. Палеограф бўлмасам ҳам, асарнинг охирги саҳифасидаги ёзувни ўқий олдим: «Ҳожи Муҳаммад Самарқандий, 1533». Яхшиямки, қўлёзма муаллиф вафотидан уч йил кейин кўчирилган, чунки Бобур ҳаёт бўлганида, асарда йўл қўйилган имло хатолари учун хаттотни жазолаган бўлар эди. Мана шу хатолар ҳозирда асарни тушунишда бироз қийнчиликлар туғдирмоқда ва бу қўлёзма ягоналиги учун унинг устида доимий тавсиф, таҳлил ишлари олиб боришни талаб қилади”.

Реми Дор “Мухтасар” шу пайтга қадар французь тилига таржима қилинмагани, унинг ўзи асарнинг дастлабки икки саҳифасини таржима қилгани, бу билан “ёш туркшунос олимларни мумтоз туркий аруз вазни билан таништиришга аҳд қилганини” айтади. Таржимон умид қиладики, ёшларнинг бирортаси асарни тўлиқ таржима қилади, чунки “Мухтасар”, унинг эътирофига кўра, “туркий олимларнинг аруз вазни ҳақидаги асарлари ичида энг тушунарли ва энг мукаммал ёзилган»[5.176]

Реми Дор кулёзманинг икки нусхаси борлиги, бири 1971 йилда Саидбек Ҳасан томонидан тайёрланган Тошкент нусхаси, иккинчиси 1972 йилда И.Б.Стеблева томонидан тайёрланган Москва нусхасидир. Таржимон Навоий ижодини юксак баҳолайди, бироқ арузнинг қонун-қоидаларини услубий тушунтириш бобида Бобур илгарилаб кетганини айтиб, унинг ютуқларини кўрсатиб ўтади. Бобур аруз вазнини қадимги туркий шеърлар: туюғ, қошуғ, туркий каби жанрлар орқали тушунтириб беради. У шеъриятниинг янги-янги шаклларини таклиф қилиб, ўзининг ғоялари билан янги туркий шеърият асосларини яратди. Бироқ, афсуски, улар турклар томонидан ҳам, араблар томонидан ҳам фойдаланилмай, фақат назариялигича қолиб кетди. Реми Дор фикрича, “Бобурдан сўнг ҳеч ким шеърий вазнларни таърифлаш бобида унга етолмади”. Ўзининг бу фикрлари исботи учун Реми Дор шарқшунос Риза Нурнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Мен араб, форс ва туркий аруз туғрисидаги деярли барча асарлар, қўлланмаларни ўрганиб чиқдим. Уларда Бобур асаридан кўра кўпроқ маълумотлар берилган бўлса-да, ёзиш ус-

луби, фикр равонлиги ва ифода кўрсаткичи жиҳатидан ундан заифроқдир»[5.176] . Мақоланинг сўнгги саҳифаларида Реми Дор “Мухтасар”нинг эски чиғатой транскрипциясидаги матнидан парча ва унинг французча талқинини келтиради.

Реми Дор ўзининг яратган илмий ва таржима асарлари билан ўзбек-француз маданий алоқаларига катта хисса қўшди. Ўзбек классик адабиётининг бетакрор нозиклиги, аруз вазнининг жозибаси билан француз китобхонларини таништирди. Мазкур соҳадаги илмий тадқиқотчи ва таржимонларга манба яратди. Олим нафақат ўзбек классикаси, балки ўзбек фольклористикаси анъаналарини ҳам француз шеърияти призмасида кўрсата олди. У бутун умрини туркий халқлар маданиятини француз китобхонига таништиришга бағишлади [6, 7, 8].

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Моварауннахр, 2008. – Б. 139

2. Anthologie de la poesie d’Ouzbekistan. Etablie, traduite de l’ouzbek et presentee par Hamid Ismailov et Pierre Balpe, Paris. 2008

3. Remy Dor. L’Enigme du Nom Propre. Langes Mondes IFEAC. 2006.

4. Riza Nour, “Le ‘Mouktacar’ de Baber Chah”, Revue de turcologie n 1, Alexandrie,1931, pp. 6-92

5. “Le metre contrainagnant d’un Maitre exigeant”, “Cahiers de poetique comparee” 49-махсус сони “Forme/Mesure. Cercle Polivanov:Pour Jacques Roubaud” pp.175-184

6. Dor Rémy.Contes et légendes de Centre-Asie. Collection : Aux origines du monde. Paris. 2000.

7. Dor Rémy. Nourali le Preux et Marghoumon - Peri. Bilingue ouzbek-francais IFEAC 2005.

6. Dor Rémy. Sarah-Rose la rosophile, virelangues d’Ouzbekistan. Paris. 2005

*2014 йил 23 декабрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)*